Davlat Soliq Xizmati

Virtual kassa

# “Виртуал касса” дастурий таъминотидан фойдаланиш бўйича қўлланма.

Davlat Soliq Xizmati

# Кириш

“Виртуал касса” дастурий таъминоти Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги “Янги технологиялар” илмий-ахборот маркази томонидан тадбиркорлик суъбеклари савдо, хизмат кўрсатиш фаолиятини юритишини таъминлаш мақсадида тадбиркорлик суъбекларига бепул тақдим этиладиган дастурий маҳсулот.

Виртуал касса дастурий таъминоти – бу фискал модулга боғланиш имкониятига эга бўлган, фискал ҳужжатларни ҳосил қилувчи ва ҳосил қилинган фискал ҳужжатларни фискал маълумотлар операторига реал вақт режимида узатишни таъминловчи, чекларни қоғозга чоп этиш ёки уларни электрон шаклда юбориш функциясига эга бўлган дастурий маҳсулот.

Виртуал касса дастурий маҳсулоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги “Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳисоб-китоблар тизимига замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда ушбу соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 ноябрдаги “Онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал касса тизими қўлланилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ижроси юзасидан ишлаб чиқилган.

# Керакли қурилмалар

**“Виртуал касса v2.02”** дастурий маҳсулот ўрнатиладиган қурилма, қуйидаги техник талабларга жавоб бериши лозим, қўрилма:

- Windows 7,8,10 операцион тизимга;
- камида 1.04 частотали, 2 MB L2 Cach кэш хотирали ва камида 2 ядроли процессорга;
- камида 2 гигабайтли RAM хотирага;
- қаттиқ дискда 540 мегабайтли хотирага эга бўлиши лозим.

Шунингдек энига камида 80 миллиметр ўлчамли чек чоп қилувчи **термопринтер,** тезлиги **1 мбит/сек.**дан кам бўлмаган интернет тармоғи, **клавиатура** ва **сичқонча**, **фискал модул,** шунингдек қулайлик учун **штрих код ўқийдаган қурилма** бўлиши лозим.

Windows 7,8,10



Термопринтер



Штрих код ўқийдаган қурилма



Клавиатура ва сичқонча



Интернет тармоғи



Фискал модул

# Администратор қисми

Исталган браузер орқали vk.ofd.uz ҳавола (ссылка) си ёрдамида
“Виртуал касса” дастурий таъминотининг администратор қисмига кириш мумкин.




Техник хизмат кўрсатиш маркази томонидан тақдим қилинган **логин** ва **парол** киритилади,
**Кириш** тугмаси орқали тизимга кирилади.

## Администратор тизимида

1-**Асосий** бўлимда тадбиркорлик субъектининг номи кўрсатилади;
2-**Маҳсулотлар** бўлимида, маҳсулотлар тўғрисидаги маълумотларни киритиш, ўчириш, ўзгартириш ишлари олиб борилади;
3-**Созламалар** бўлимида, савдо, хизмат кўрсатиш шаҳобчаси ва фойдаланувчилар маълумолари созланади;
4-**Ҳисоботлар** бўлимида, виртуал касса орқали тақдим қилинган чеклар тўғрисида маълумотлар шаклланади;
5-**Харакатлар тарихи** бўлимида, фойдаланувчи амалга оширилган операциялар тарихи кўрсатилади;
6-**Чиқиш** бўлимлари мавжуд.



# Маҳсулотлар бўлими

**1-Маҳсулотлар қўшиш** тугмаси орқали фойдаланувчи томонидан махсулот ва хизматларнинг номлари, нархлари ва уларнинг сони юритилади, шунингдек махсулотларни кирим қилиш функциялари амалга оширилади.

**2-Категория қўшиш** тугмаси махсулотларнинг турларини саралаш учун папкалар яратади.

**3-Excelдан импорт қилиш** тугмаси ёрдамида Excelда шакллантирилган маҳсулотлар (хизматлар) номи, нархи, сони ва ҚҚС ставкаси юкланади.

**4-Шаблонни юклаб олиш** тугмаси Excel файл учун шаблон юклайди.

Шунингдек яратилган маҳсулотлар (хизматлар)нинг нархларини, сонларини ўзгартириш мумкин.



## Маҳсулот қўшиш

**Маҳсулотлар қўшиш** тугмаси орқали маҳсулотнинг:

1-Barcode рақами;

2-Нархи;

3-Сони;

4-Коди;

5-Маркировка коди;

6-Номи;

7-Изоҳ колдириш учун майдондан иборать.

Ушбу майдонлар тўлдирилиб **“Сақлаш”** тугмаси орқали маълумотлар сақланиб қолади.



# Категория қўшиш

**Категория қўшиш** тугмаси орқали маҳсулотнинг категорияси киритилади, бунда:

1-Категория номи;

2-Изоҳ қолдириш учун майдондан иборат.

Ушбу майдонлар тўлдирилиб **“Сақлаш”** тугмаси орқали маълумотлар сақланиб қолади.



# Созламалар бўлими

Ушбу бўлимда тадбиркорлик субъекти (фойдаланувчи)га тегишли маълумотлар таҳрирланади.

**Асосий созламалар орқали** тадбиркорлик субъекти (фойдаланувчи)нинг маълумотлари, яъни:

**1-Номи;**
**2-Манзили;**
**3-СТИРи;**
**4-Қисқача номи;**
**5-Ҳолати;**
**6-ҚҚС ставкаси таҳрирланади.**



# Созламалар бўлими

**Фойдаланучилар.** Ушбу бўлимида фойдаланувчилар тўғрисида маълумотлар сақланади.

**+ тугмаси орқали фойдаланувчини қўшиш ва харакатлар тугмаси орқали уни таҳрирларш мумкин.** Бунда:

**1-Фойдаланувчининг номи;**

**2-Ф.И.Ш.;**

**3-Электрон почта манзили;**

**4-Вазифаси;**

**5-Парол киритилади.**



# Созламалар бўлими

**Касса.** Ушбу бўлимида фойдаланувчиларга бириктирилган кассалар шаклланади.

**+ тугмаси орқали фойдаланувчига касса қўшилади ва харакатлар ✏ тугмаси орқали уни таҳрирларш мумкин.** Бунда:

**1-**Рўйхатдан керакли **фойдаланувчининг номи** танланади;

**2-**Фойдаланувчи фаолият юритадин **касса номи** киритилади.



# Ҳисоботлар бўлими

Ушбу бўлимида барча шаклланган чеклар рўйхати шаклланади.

Харакатлар тугмаси орқали танланган чек тўғрисида батафсил маълумот олиш мумкин.




| Уникал рақам | Яратилган сана | Жами сумма | Жами солиқ суммаси | Харакатлар |
|---|---|---|---|---|
| 2285 | 27.01.2020, 12:35 | 21,300.00 | 2,777.00 | |
| 2282 | 20.01.2020, 10:35 | 23,600.00 | 3,077.00 | |
| 2281 | 13.01.2020, 17:44 | 36,000.00 | 4,695.00 | |
| 2280 | 09.01.2020, 22:07 | 20,500.00 | 2,673.00 | |
| 2279 | 09.01.2020, 21:52 | 51,400.00 | 4,029.00 | |



ООО "Yangi Texnologiyalari Markazi"

г.Ташкент, ул. Абай, 4

| | |
|---|---|
| Сана ва вақт | 27.01.2020, 12:35 |
| Кассир | Davron |
| Смена | 60 |
| Чек рақами | 2285 |
| **Нон 1 дона** | 3,500.00 UZS |
| **Картошка 1 кг.** | 17,800.00 UZS |
| Тўлов учун | **21,300.00 UZS** |
| Ш.ж. ҚҚС 7% | 2,777.00 UZS |
| Тўлов | 21,300.00 UZS |
| Нақд | 21,300.00 UZS |
| Тўлов териминал | 0.00 UZS |

## Харакатлар тарихи бўлими

Ушбу бўлимида фойдаланучининг харакатлар тарихи акс эттирилади. Яъни фойдаланувчи кайси кассада фаолият юритган ва қачон бошқасига ўзганганлиги тўғрисида маълумотлар шаклланади.

### Кассанинг ўзгаришлар тарихи

Намойишда **1-8** та. Жами **8** та.

| Уникал рақам | Фойдаланувчи | Вақт | Ҳаракат | Ўзгариш | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | |
| 2 | Davron | 2019-11-15 08:33:18 | Таҳрирланган | KASSA 01 → KASSA 011 | |
| 3 | Davron | 2019-11-15 08:33:56 | Таҳрирланган | KASSA 011 → KASSA 01 | |
| 4 | market | 2019-11-15 08:43:05 | Киритилган | | |
| 5 | market | 2019-11-15 08:43:08 | Ўчирилган | | |
| 6 | market | 2019-12-04 11:35:05 | Киритилган | | |

### "Davron"нинг ҳаракатланиш тарихи

#### Эски маълумот

| | |
|---|---|
| **Тадбиркорлик субъекти номи** | ООО "Yangi Texnologiyalari Markazi" |
| **Фойдаланувчи номи** | Davron |
| **Касса номи** | KASSA 01 |
| **Ҳолати** | *(qiymatlanmagan)* |
| **Яратилган сана** | 2019-05-22 15:27:10 |
| **Ҳолати2** | Фаол |

#### Ўзгаритирилган қисми

| | |
|---|---|
| **Тадбиркорлик субъекти номи** | *(qiymatlanmagan)* |
| **Фойдаланувчи номи** | *(qiymatlanmagan)* |
| **Касса номи** | KASSA 01 → KASSA 011 |
| **Ҳолати** | *(qiymatlanmagan)* |
| **Яратилган сана** | *(qiymatlanmagan)* |
| **Ҳолати2** | *(qiymatlanmagan)* |

#### Охирги ҳолат

| | |
|---|---|
| **Тадбиркорлик субъекти номи** | ООО "Yangi Texnologiyalari Markazi" |
| **Фойдаланувчи номи** | Davron |
| **Касса номи** | KASSA 011 |
| **Ҳолати** | *(qiymatlanmagan)* |
| **Яратилган сана** | 2019-05-22 15:27:10 |
| **Ҳолати** | Фаол |

## Виртуал касса

Техник хизмат кўрсатиш маркази томонидан тақдим қилинган **логин** ва **парол** киритилади, **“Вход”** тугмаси орқали тизимга кирилади.



# Кассирнинг (фойдаланувчининг) иш столи



# Кассирнинг иш столи




**«Обновить»**

Ушбу тугма, тизимга янги қўшилган маҳсулотларни, кассир учун иш столига юклайди.




**«Каталог»**

Ушбу тугма, тизимда администратори томонидан кўшилган маҳсулотлар руйхати ва уларнинг нархларини шакллантиради. Бу тугмада (папкада) маҳсулотларнинг тури йўналишига қараб алоҳида алоҳида папкаларда сақланади.




**«Пречек»**

Ушбу тугмаси орқали, ёпилмаган чекларни шаклланади.




**«Все чеки»**

Ушбу тугма орқали, очилган сменада урилган барча чеклар шаклланади.




**«Избранные»**

Ушбу тугмада (ойнада), тизимда маҳсулотларга ★ (юлдузча) ёқилган маҳсулотлар рўйхати шаклланади. Бу функция фойдаланувчига кулайлик яратиш мақсадида, кўп фойдаланиладиган (сотиладиган) маҳсулотлар жамланган папка ҳисобланади.




**«Новый чек»**

Ушбу тугма, шакллантирилаётган чекни ёпмасдан, янги чек шакллантириш имконини берувчи функция. Масалан кассир томонидан харидорга хизмат кўрсатиш жараёнида харидор томонидан яна бошқа маҳсулот олиш истаги пайдо бўлган тақдирда, унинг чекини ёпмаган ҳолда, янги чек орқали бошқа харидорларги хизмат кўрсатиш мумкин.




**«Фискальный модуль»**

Ушбу тугма фискал модулнинг Z-ҳисоботни очиб ёпишда фойдаланилади.

## Чек чоп қилиш

Чекни шакллантириш учун, **1-Каталог** тугмаси орқали керакли **2-маҳсулотлар категорияси** танланади. Ушбу категорияда мавжуд керакли **3-маҳсулот** танлаш орқали харид қилинган маҳсулотлар шакллантирилади.



## Чек чоп қилиш

Маҳсулотлар учун тўлов амалга оширилганда 1-**“Оплата”** тугмаси босилади, **2-тўлов тури** танланади, **3-“Выполнить”** тугмаси босилади, **4-“Закрыть чек”** тугмаси орқали чек чоп қилинади.

**5-“Возврат”** тугмаси орқали чек қайтарилади.

**6-“Сторно”** тугмаси орқали ёпилмаган чекни бекор қилиш мумкин.

